



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган эзгулик, саховат, инсонпарварлик ва ҳамжиҳатлик каби олижаноб қадриятларни ўзида мужассам этган, жамиятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи Қурбон ҳайити — Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар етакчилари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан самимий табриклар келмоқда.

Қутловларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқига ҳурмат-эҳтиром сўзлари, тинчлик-осойишталик ва равақ тилаклари изҳор этилган ҳамда дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлашга қатъий интилиш билдирилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриklarини йўллаган:

Икки Муқаддас Масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд;

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд;

Туркия Арабистони Президенти Режеп Таййип Эрдоган;

Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси;

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев;

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров;

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон;

Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов;

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов;

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаён;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири Шайх Мансур бин Зайд Ол Наҳаён;

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Шайх Сайф бин Зайд Ол Наҳаён;

Саудия Арабистони давлат вазири, Вазирлар Маҳкамаси аъзоси Турки бин Муҳаммад бин Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд;

Қувайт Давлати Амири Шайх Мишғал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;

Қувайт Давлати Валиаҳди Сабоҳ Ҳолид ал-Ҳамад ал-Муборак ас-Сабоҳ;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II;

Мароккаш Подшоҳи Муҳаммад VI;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулмажид Теббу;

Фаластин Давлати Президенти Маҳмуд Аббос;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусрав Нозирий;

Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусайн Иброҳим Тоҳа;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукр Пошшоода.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Шукуҳ

“ЭЗГУ ИШ ҚИЛУВЧИЛАРГА ХУШҲАБАР БЕРИНГ!”

Юртимизда кечаётган диний-маърифий соҳада кенг қўламли ислохотлар, ижобий ўзгаришларнинг амалий инъикоси халқимиз мусулмонларининг ўз ибодатларини эмин-эркин адо этиши учун яратилаётган энгиллик, қўлайлик ва имкониятларда яққол акс этмоқда. Жумладан, “Ҳаж — 2024” мавсуми доирасида юртимиз хожилари учун яратилган шарт-шароитлар Саудия Арабистони Подшоҳлигининг “ал-Мадина”, “Ар-Риёд”, “ал-Хабар”, “ал-Халиж” каби катта ададга эга нуфузли марказий нашрлари томонидан юксак эътироф этилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилиб, бўлажак ҳожиларга ўз эътибор ва ғамхўрлигини изҳор қилиши эса мамлакатимиз тарихида илк бор кузатилмоқда.

Кеча эса Президентимиз Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табригини йўллади. Унда халқимиз ҳаётда эзгулик, меҳр-муруват, саховат ва олижаноблик рамзи сифатида мустаҳкам қарор топган Қурбон ҳайити бугунги кунда биз учун барча соҳаларда инсон қадри етакчи ўринга

чиқаётган янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар мазмунига нақадар уйғун ва ҳамоҳанг экани билан янада аҳамиятли бўлиб бораётгани таъкидланди.

Давоми 2-бетда

Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ

ВАТАНДОШЛАРНИ СЕВАДИГАН ШАҲСЛАР
ЮРТНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат жамиятдаги бирдамликка хизмат қилади. Аҳиллик бор жойда ишлар олға силжиши ҳақида ортиқча таъриф керак эмас. Аини пайтда биз ҳуқуқий демократик давлатда яшаймиз. Бундай юрtdа қарашлар, фикрлар турлича бўлиши табиий. Ана шу турфалик аҳилликка даҳл қилмаслиги шарт. Халқ, юрт манфаатига даҳлдор мавзулар атрофида ҳамфикр бўлиш жуда муҳим. Қайсидир маънода айнан шу жиҳат қанчалик ватанпарвар эканимизни кўрсатади.

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” ғояси асосида ислохотлар қилиняпти. Мақсад битта — халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти. Бу ишлар тўла рўйга ошиши, кўзланган мақсадга эришиши учун жамият бир мушт бўлиб ҳаракатга келиши керак. Бунинг учун, аввало, жамият тафаккурида эврилиш содир бўлиши лозим.

Бугун иқтисодий барқарорлик учун ижтимоий ҳимоя, тадбиркорликка кенг йўл очишга қаратилган ишлар бажарилмоқда. Маънавий

ўсиш учун эса жаҳолатга қарши маърифат билан курашилмоқда. Глобал дунёда, халқаро майдонда тинчликни сақлашга бошқалардан кўра кўпроқ масъул давлатлар икки хил стандартга “ўйин” ўйнамоқда. Бундай вазиятда маърифат маёғини бандан кўтарганлар бошқаларни ортидан эргаштириши осон кечмайди. Шу боис, шахс тарбияси ҳар доимигдан ҳам муҳим.

Давоми 3-бетда

Ислохотлар амалда

АЁЛЛАР ТАДБИРКОР БЎЛСА

бундан оиласи ҳам, жамиятимиз ҳам катта наф кўради

Қўшимиз Хуршида Назарова физика фани ўқитувчиси. У ҳозир фарзанд тарбияси билан банд бўлса-да, соҳаси бўйича билим ва маҳоратини оширишдан асло тўхтамайди. Бунинг учун кўлай имкониятлар ҳам етарли — интернет ресурслар орқали таълим жараёнида рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар билан узлуксиз танишиб бориш мумкин. Хуршида сўнги пайтларда бундай маҳорат дарсларида тез-тез қатнашмоқда. Сабабини сўрасам, янги ўқув йилидан ишга қайтмоқчи экан.



“Фарзандингиз ҳали жуда ёш-ку, болани кимга қолдирасиз?”, деб сўрайман онасининг олдида тетапоя қилиб юрган митти қизалоққа қараб. “Кичик эмас,

опа, икки ёшни тўлдирди, хусусий боғчаларга қабул қилади. Ёнимизда шундай боғча бор, тарбиячилари болага жуда меҳрибон, тажрибали. Катта қизимниям

шу боғчага берганман”, дейди хотир-жамлик билан.

Яна бир танишим икки фарзандининг тарбияси, рўзгор юмушлари билан уйда қўлиб кетганди. Яқинда кўришиб қолдим, икки боласини ҳам боғчага бериб, касб-хунарга ўқитиш марказида тикувчиликни ўрганибди. Ҳозир касаначилик асосида уйда тикиш қилаётган экан.

Яқин-яқингача “Аёл киши уйда ўтиргани, фарзанд тарбияси билан машғул бўлгани яхши, унинг ишлашидан наф йўқ” ёки “Қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармиди?” қабилидаги фикрлар кўпчиликнинг тафаккурига ўрнашгани боис, қизларни ўқитиш, касб-хунар ўргатишга эътибор султ эди. Ҳуқуқий ислохотлар, гендер тенгликка оид янгича қарашлар туфайли дунёқарашимиз ўзгариб борапти. Буни ҳозирги кунда олий ўқув юртларида ўқиётган ёшларнинг ярмидан кўпи қизлар экани, қолаверса, тадбиркор аёллар сафи ҳам йил сайин кенгайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Давоми 5-бетда

Сайхунобод тажрибаси

ЕР БИЛАН
ТИЛЛАШСАККУЗГАЧА УЧ, ҚИШДА ЭСА ИККИ
МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИН

Худудларда томорқадан самарали фойдаланиш “Сайхунобод тажрибаси” асосида янги босқичга чиқди. Аксарият хонадонларда дастлабки ҳосил йиғиштирилиб, навбатдаги экинлар ҳам экиб бўлинди. Бу эса аҳолининг томорқадан бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш тажрибаси тобора ошиб бораётганидан далолат беради.



Хатирчи туманидаги Галабек маҳалласида яшовчи Ҳасан Ибрагимов томорқасидаги 2,5 сотих иссиқхонасида етиштирилган картошкани маҳаллий бозорга олиб чиқиб, яхшигина даромад олди. Ҳозир томорқасидаги очик майдондан картошка ҳосили йиғиштирилмоқда. Энди эса хонадон эгаси иккинчи экинни экиш тараддудиди. Ҳар бир хатирчилик азалдан деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ҳадисини олган. Географик жойлашувига кўра ҳам тупроғи нам ва унумдор. Зарафшон дарёсининг худуддан оқиб ўтиши хатирчиликларнинг омади. Шу боис, сугоришда муаммо йўқ. Халқи эса меҳнатқаш ва қайси касбда ишламасин, фаолиятининг бир қисmini деҳқончилик билан боғлайди. Томорқанин ўздан йилга камидан 100 миллион сўм атрофида соф фойда топаётганлар кўпчилигини ташкил этади.

— Туманимизда 200 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва 39 мингга яқин

хонадон бор, — дейди Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Хатирчи тумани бўлими мутахассиси Даврон Аҳмадов. — Аини вақтда хонадонлардаги 4260 гектар томорқа ердан самарали фойдаланиш бўйича аҳоли билан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Аиниқса, “Сайхунобод тажрибаси”ни жорий этиш бўйича “маҳалла еттичилиги” ҳар бир хонадон имкониятини ўрганиб чиқиб, мутахассислар билан ҳамкорликда зарур тавсиялар берди. Шунингдек, тижорат банклари кўмағида хонадонларга иссиқхоналар қурилади ва асаларчилик, паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик каби йўналишларда кредитлар ажратилди. Аини вақтда бу тизим самарасини бераётгани аҳолининг томорқадан олаётган даромади ошиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Давоми 4-бетда

2024 йил 17 июнь, 120-сон

Шукуҳ

“ЭЗГУ ИШ ҚИЛУВЧИЛАРГА ХУШХАБАР БЕРИНГ!”



Жамолiddин КАРИМОВ, Имом Мотуридидий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

бирдамлик руҳида катта шоду хуррамлик билан нишонланади.

Хусусан, жорий йилда ҳам муборак Қурбон ҳайити байрамими миллий анъана ва урф-одатларимизга уйғун ҳолда ўтказиш, ислом динининг инсонпарварлик гоёлари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш, шунингдек, мусулмонлар учун Қурбон ҳайити билан боғлиқ амалларни бажаришлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида 2024 йил 11 июнь санасида Президентимизнинг “Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор юртдошларимиз томонидан ўзгача қувонч билан кутиб олинди, уларнинг қалбидан улкан шукуҳ, чексиз қувонч, бир пайтлар фақат орзу қилиш мумкин бўлган буюк ўзгаришлар кузатилаётган мана шундай бир даврда яшашга эришилди, улкан ислохотларга дахлдор бўлаётганларидан шукроналик туйғуларини жўш урдирди.

Маълумки, Қурбон ҳайити кўплаб фазилатларга эга кунлардан ҳисобланади. Ушбу муборак фурсатда мусулмонлар бир-бирларининг ҳолидан хабар олади, ўзаро гина-қудуратлар унутилади, қариндош, яқин кўни-кўшнлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади, эҳсон ва ҳайру саховат авж олади. Шу билан бирга, жонлиқ сўйиб қурбонлик қилиш банданинг неъматлар учун Парвардигорига шукроналиги равиш ҳисобланади.

“Ҳаж” сурасининг 37-оятда ушбу кун ҳақида “Аллоҳга (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин У Зотга сизлардан тақво етиб боради. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли — У Зотни улуғлашингиз учун — уларни сизга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга



хушxabар беринг!” дейилган. Қуръони каримда зикр қилинган ушбу кун мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бу кунларда қилинган эзгу амалларнинг ажру мукофоти эса гоётада улуг бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Қурбон ҳайити байрами халқимиз маънавий ҳаётида муҳим тарбиявий аҳамият касб этиб, инсонлар қалбидан саховат, шукроналик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларнинг намуналарини, камол топшишга ҳизмат қилади. Қурбон ҳайити байрамнинг яна бир тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, у халқимизга аҳил ва тотув ҳаёт кечиришни, барчага бирдек бағрикенг муносабатда бўлишни, инсон қадрини улуғлашни таълим беради. Шу нуқтаи назардан, ушбу муқаддас байрамни ислом таълимотида ҳар бир инсоннинг шаъни, унинг диний мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда ирқидан қатъи назар, нечоғлиқ юксак

қадрлигининг амалий ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин.

Ҳар бир мусулмон ушбу муборак кунларда эзгу ва ҳайрли ишларни қилишда янада шижоатли бўлиши, ушбу куннинг фазилати билан Аллоҳ томонидан бандаларга ваъда қилинган беҳисоб савоблар, бериладиган имкониятлардан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилиши лозим. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Соффат” сураси 60-61-оятларида “Албатта, мана шу (жаннат неъматлари) улкан ютуқнинг ўзидир. Бас, айнан мана шундай ютуқ учун амал қилувчилар амал қилсинлар!” деб таъкидлаган.

Имом Мотуридидий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилган ишлар замирида ҳам ислом динида кенг ўрин ажратилган инсонпарварлик ва тинчликпарварлик гоёларини жамоатчиликка етказиш, ижтимоий муносабатларда ҳалоллик, адолат, раҳм-шафқат,

бағрикенглик хислатларини қарор топтириш, ёшларни маънавиятимизга ёт бўлган турли ташқи таҳдидлардан асраб-авайлаш, мўътадил ислом таълимотини кенг тарғиб қилиш, жамиятда диний бағрикенглик таъминини янада мустаҳкамлаш каби муҳим ҳақда долзарб мақсад ва вазифалар ётади.

Жумладан, Марказ жамоаси жорий йилдаги Қурбон ҳайити муносабати билан ҳам юртдошларимизга ўзига хос совға тайёрлади. Ушбу совға Имом Мотуридидий қаламига мансуб “Китоб ат-таҳвид” асарининг замонавий наشري бўлиб, ушбу тадқиқот асарининг Буюк Британиядаги Кембридж университети кутубхонасида сақланаётган ягона кўлэма нусхаси асосида тайёрланди ҳамда Иорданиянинг “Мактаб ал-Фоним” нашриётида чоп этилди. Шунингдек, таъкидлаш керакки, ушбу китобнинг Қоҳира, Абу Дабб ва Доҳа каби шаҳарларда бўлиб ўтган халқаро китоб ярмаркаларида

намоиш этилиши Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги халқаро нуфузини янада оширишга ҳизмат қилмоқда.

Имом Мотуридидийнинг иккинчи шоҳ асари Қуръони карим тафсирига бағишланган “Таъвилот ал-Қуръон” деб номланади. Ҳозирга қадар Марказ илмий ҳодимлари томонидан ушбу асарнинг 16 жузи таржима қилиниб, кенг китобхоналар оммасига тақдим этилди.

Шу билан бирга, Марказ томонидан йил бошидан ҳозирга қадар аҳоли ўртасида ислом динининг асл тинчликпарварлик моҳиятини очиб беришга қаратилган 500 дан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар, 53 та китоб тақдими ўтказилган, 29 номдаги китоб ва халқчиқ ризолалар тайёрлангани ҳам муҳим натижа сифатида баҳолаш мумкин. Марказнинг мазкур ютуқларга эришиши замирида Президентимиз томонидан илмий-тадқиқот марказлари учун яратиб берилган имкониятлар ва эътибор мужассам.

Қурбон ҳайити байрами шукроналик, хурсандчилик ва шодлик байрами ҳисобланади. Ушбу кунда яқинлар, кўни-кўшнлар, беморлар ҳамда муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, ўзаро гина-қудуратларга барҳам бериш, шукроналик келтириш, меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш улуг ва савобли амаллардан ҳисобланади.

Қонунчиликда янгилик

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

фақат илм, ижод, санъат аҳлигина манфаатдорми?

Юксак ақлий салоҳият ва етук ижодий маҳорат билан яратилган ҳар бир бадий ва санъат асари, ихтиро ҳамда кашфиётлар инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули, юксак тараққиётга эришишнинг муҳим мезонидир. Шу боис, бундай ноёб ва бебаҳо асарларни асл ҳолида асраш, уни яратган муаллифлар истеъдодини улуғлаш баробарида мулкий ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, ҳар қандай ижод маҳсули кўп йиллик изланишлар, қаттиқ меҳнат туғайли бунёд бўлади. Бунга баъзида инсон бутун умрини сарф этиши ҳам мумкин.

асарлар, графика ва тасвирий санъат йўналишида ижод қилувчи 5 миллиондан зиёд муаллиф манфаатини ҳимоя қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда муҳим чора-тадбирлар кўриломоқда. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик асослари яратилиб, амалий ишлар йил сайин такомиллашяпти. Жумладан, жорий йил 5 июндаги “Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Рим, 1961 йил 26 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши бу жаҳадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича Ўзбекистон қатор халқаро конвенцияларга қўшилган. Улар орқали зиммага олинган вазифалар бажариломоқда. Шунингдек, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида айни соҳадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам қимматли ҳуқуқи кафолатланиши, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши белгиланган соҳа ривожига янги уфқлар очмоқда.

Ушбу йўналишда қонунчиликимизда белгиланган тамойилларни рўйга чиқариш мақсадида давлат ваколатли органлари ташкил этилиб, тегишли тартибда иш юритилляпти. Бу йўналишда Адлия вазирлиги яна давлат сиёсатини ишлаб чиқиб, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда.



— Вазирлигимиз интеллектуал мулк ҳимояси бўйича кенг қамровли ишлар билан шуғулланыпти. Аввало, мурожаатлар ўз вақтида ўрганилиб, қонунчиликда белгиланган тамойиллар асосида ечимини топиш чоралари кўриляпти. Мисол учун, ўтган йили 1190 та мурожаат келиб тушган. Улар тегишли тартибда кўриб чиқилиб, 249 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ҳамда 637 та ҳуқуқбузарликни бартараф этишга қаратилган тақдирнома киритилди, — дейди Адлия вазирлиги интеллектуал мулк департаменти бўлим бошлиғи Шароф Абдумаликов. — Бундан ташқари, аҳоли ва тегишли соҳалар ҳодимлари ўртасида ижод намуналаридан руҳсатсиз ва ўзбошимчилик билан фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан тарғибот тадбирлари ўтказилляпти. Вазирлигининг расмий веб-сайтида муаллифлар, ижодкорлар ва турдош ҳуқуқ субъектларининг асарлари ҳамда махсулотларидан фойдаланганлик учун тўланадиган муаллифлик ҳақини ҳисоблаб берувчи махсус модульни таъмирлаш.

интеллектуал мулк соҳаси бўйича маълумотларни етказувчи журналистлар тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Мулкий ҳуқуқларини жамоавий бошқарувчи ташкилотларини ҳам эсга олиш лозим. Улар нодавлат ташкилотлар бўлиб, аёзо муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Бу ташкилотлар жаҳон тажрибасида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи энг самарали воситалардан. Мамлакатимизда ҳам қатор шундай тузилмалар фаолият юритяпти. Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси шулар жумласидан.

Мазкур палата ҳозир ижод, илм ва санъатга алоқадор 600 дан зиёд ижодкорни ўз сафига жамлаган. Уларнинг ўз асарларига мулкий ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича ишланипти. Ҳозир палатанинг тўртта худудий бўлими бор, жойларда йигирмадан зиёд инспектор иш юритяпти.

Ўтган йили муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси бўйича йигирмадан зиёд маъмурий ва фуқаролик иши бўйича суд жараёнида қатнашган палата экспертлари асарнинг ҳолатларда судда ютиб чиқди. Ушбу палата Муаллифлар ва бастакорлар жамиятлари халқаро конфедерацияси (CISAC) аъзоси. Шунингдек, кўплаб давлатлардаги 25 дан зиёд турдош ташкилот билан ҳамкорликни йўлга қўйгани интеллектуал мулк ҳимояси бўйича халқаро алоқалар ривожига муҳим омил бўлаёттир.

Интеллектуал мулк иқтисодиёт ривожланишининг таркибий қисмларидан биридир, — дейди Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси раиси, юридик фанлар доктори, профессор Бобоқул Тошев. — Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларнинг деярли барчасида интеллектуал мулк ривожига катта эътибор қаратилади. Шу сабабли уларнинг инвестициявий жозибадорлиги яхшиланган, интеллектуал мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кескин ошган. Мисол учун, интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12 фоизни ташкил этади. Бугун

Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулкни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар бажариломоқда.

Шу кунларда мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аёзо бўлиш йўлида муҳим қадамлар қўймоқда. Бунга эришиш учун савдо ва хизматлар соҳасидаги ишларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш баробарида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ҳам қатор ишларни бажариш лозим. Бу йўналишда олдимизда турган асосий масалалардан бири Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк тизимининг ЖСТ Интеллектуал мулк ҳуқуқи савдо аспекти бўйича битим (TRIPS) нормалари ва тамойилларига мувофиқлигини таҳлил қилишдир. Мазкур битим ЖСТга қўшилши юзасидан муҳим асос бўлиб, унга аёзо барча мамлакатларда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлашга дастурулмағ бўлиб хизмат қилади. Рим конвенциясига аёзо бўлганимиз бу борада муҳим қадам бўлди.

Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция Рим шаҳрида 1961 йилда ўтказилган халқаро конференцияда қабул қилинган. Бу ҳужжат адабиёт, санъат ва маданият соҳасида муаллифлик ҳуқуқларига доир ижтимоий муносабатларни халқаро доирада тартибга солишни назарда тутди.

Конвенцияга аъзолик аёзо давлатлар, шунингдек, мамлакатимиздаги ҳуқуқ эгалари (ижрочи, фонограмма тайёрловчи, эфир орқали узатувчилар)нинг шахсий номлиги ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш билан бирга мулкий ҳуқуқларини жамоавий асосларда бошқариш имконини кенгайтиради. Бу ҳуқуқ эгалари моддий шароитнинг яхшилланиши ва мулкий асосларнинг кенгайиши жамиятимизда ижодий ва интеллектуал салоҳият ошишига хизмат қилади.

Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА, журналист



Бошланиши 1-бетда

Сайхунобод тажрибаси

бўлмаса-да, ерга меҳри, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга иштиқо сабабли соҳада яхшигина билим ва тажрибага эга бўлди. — Аукцион орқали 40 сотих ер олдим ва унинг 30 сотихига қулупнай, қолганига помидор эқдим, — дейди Даврон Раҳматов. — Қулупнай ҳосили жуда яхши бўлди ва ҳозиргача 3-4 тонна маҳсулот сотдик. Қулупнай ёнига эқилган саримсоқпиёзни ҳам яқинда бозорга олиб чиқамиз. Помидорларимиз яхши ривожланиб бормоқда. Бир йилда турли эқинлардан 2-3 марта ҳосил олиш имкониятимиз бор. Куз-қиш мавсумида эса томорқамиздаги иссиқхоналаримизда маҳсулот етиштирамиз. Муҳими, шу ер туфайли даромадимиз яхши, турмушимиз фаровон.



Ташаббус

Арносаюда оқар сув муаммо бўлгани сабабли аксарият одамлар ҳар ҳолда яшил бўлиб турсин деб ҳовлисига 3-4 туп даракт эқиб қўярди. Аммо ишбилармон кишилар имконият излаб, мана шундай оғир шароитда ҳам томорқасини даромад манбаига айлантирмоқда. Ғафур Ғулом маҳалласида яшовчи Олим Шаминов олти сотих томорқасига сабзавот ва кўкат эқиб, яшнатиб қўйди. Маҳалла фаоллари ҳам унинг ҳовлисини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатарди. Лекин бу ишлардан Олим аканинг кўнгли тўлмади. Томорқасини ўзлаштириш ҳам гап бўлибдими? Қунига икки соат меҳнат қилса, бир қарич ҳам бўш ер қолмайди, қолаверса, рўзгорга кунлик сабзавот ҳам чиқиб туради. Олим Шаминов каттароқ мақсадни мўлжаллаган эди.

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШСАК

КУЗГАЧА УЧ, ҚИШДА ЭСА ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИН

Албатта, деҳқон тили билан айтганда, ерга кетмон урган билан мақсадга эришиб бўлмайди. Тупроқ, сув имкониятларини инобатга олиб, йилнинг қайси вақтида қайси маҳсулотни эқиб кераклигини ўрганган ҳолда, асосийси, қандай парваришлаш, ўғит ва минерал озуклар билан таъминлаш, зараркунанда ҳашаротлар, турли касалликлардан ҳимоя қилиш борасида ҳам билим ва тажрибага эга бўлиш керак. Шундагина юқори ҳосил олиш мумкин. Деҳқончилик ўзига хос, боғдорчилик эса алоҳида тажриба талаб этади. Галабекликлар ҳар иккисининг ҳадисини олган. Ушбу маҳаллада 560 та хонадонда 3500 га яқин киши яшайди ва томорқа ер майдони 70 гектари ташкил этади. 40 гектарда картошка, 20 гектарда сабзи, қолган майдонда эса бошқа турдаги сабзавотлар етиштирилади. Шунингдек, маҳалладаги 40 га яқин хонадонда катта-кичик иссиқхона мавжуд бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари барвақт етиштирилмоқда. Маҳалладаги Раҳим Хақназаров томорқасидаги бодринг эқилган иссиқхонада томчилатиб сугориш тизими ўрнатилгани ҳам юқори ҳосил олишда муҳим омил

бўлмоқда. Айни вақтда 5 сотих иссиқхонадаги бодринг ҳосили оилага ойига 40-50 миллион сўм даромад келтирмоқда. Даврон Раҳматов ҳам ердан "ҳазина топаётган" ёшлардан бири. Гарчи касби агроном

Галабекликлар фақатгина томорқа билангина чекланиб қолгани йўқ. Ҳар бир хонадонда қорамол ва парранда боқиш, аксарият оилаларда эса асаларичилик йўлга қўйилган. Ғулом Эргашев томорқасидан ташқари асаларичилик



билан ҳам шуғулланади. Унинг оиласи 25 қути асаларидан йилига 500 килодан ортиқ асал олиб, 40 миллион сўмдан зиёд даромадга эга бўлади. Шу билан бирга, у асаларичилик билан энди шуғулланишни бошлаган оилаларга ўз тажрибаси билан кўмак бериб келмоқда. — Маҳалламизнинг асосий драйвери деҳқончилик ва чорвачилик, — дейди Галабек маҳалласи раиси Равшанжон Пардаев. — Аҳоли ердан унумли фойдаланишда кўп йиллик тажрибага эга. "Сайхунобод тажрибаси" жорий этилгандан сўнг имкониятлардан келиб чиқиб, қўшимча йўналишлар билан ҳам шуғулланиши натижасида аҳолининг даромади янада ошди. Айни вақтда томорқалардаги картошка, сабзи ва қулупнай каби маҳсулотлар ҳосили йиғиштириб олинди. Энди навбат иккинчи эқинларга. Аҳоли баҳордан кузгача очиқ томорқадан 3 мартагача, қишда иссиқхоналаридан 2 мартагача ҳосил олиш имкониятига эга.

Туман аҳолиси эҳтиёжлари томорқаларда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан қопланади ва четдан олиб келинмайди. Галабекликлар каби бошқа маҳаллаларда ҳам "Сайхунобод тажрибаси" жорий этилгандан сўнг одамлар томорқадан фойдаланиш имконияти янада кўпроқ эканини англаб етди. Бу эса уларнинг даромади мўл, турмуши фаровон бўлишида муҳим омил бўлаётми.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



ТОМОРҚАНИ ЯШНАТИШ ЧЎТ ЭМАС

Мақсад — маҳаллани ҳам обод қилиш

Ҳовлис ёнидан ўтган ариқнинг нариги томонида 4 сотих бўш ер бўлиб, маҳалладагилар у ерни чикинди-хона қилиб олган. Езда ноҳуш ҳиддан атрофда яшаётганлар норози, аммо бунинг ечимини ҳақида ҳеч кимнинг бош қотиргиси келмасди. Олим ака маҳалла раиси Аҳдам Шодмонов билан ҳоким ёрдамчиси Жамол Исмаиловга учрашиб, ўша ерни тозалаб, иссиқхона қурмоқчи эканини айтди. Гапнинг очиги, чикиндиҳона муаммоси ҳақида раис ҳам ўйланиб юрганди. Чунки кўп хонадонлар эгалари ҳашаротлар безор қилиб юборгандан шикоят қилган эди. Олим аканинг мақсадини эшитган раис хурсанд бўлиб кетди.

— "Иновация бурчаги"га мандарин, банан, лимон, апельсин ва хурмо кўчатлари ўтказганман. Мана бу ерда эса қопга картошка экканман. Бир қоп ўғитланган тупроқдан ярим қоп карбунинг ечимини ҳақида ҳеч кимнинг бош қотиргиси келмасди. Олим ака маҳалла раиси Аҳдам Шодмонов билан ҳоким ёрдамчиси Жамол Исмаиловга учрашиб, ўша ерни тозалаб, иссиқхона қурмоқчи эканини айтди. Гапнинг очиги, чикиндиҳона муаммоси ҳақида раис ҳам ўйланиб юрганди. Чунки кўп хонадонлар эгалари ҳашаротлар безор қилиб юборгандан шикоят қилган эди. Олим аканинг мақсадини эшитган раис хурсанд бўлиб кетди.

— Фақат иссиқхона қуришга сармомия етмаслиги мумкин, — деди миришкор гапнинг индалдосига кўчиб. — Бу томонини ўйламанг, банкдан имтиёзли кредит олишга кўмак-лашим менинг зиммамда, — деди ҳоким ёрдамчиси Жамол Исмаилов. Кўп йиллик чикиндини тозалаш осон бўлмади. Бироқ ишга қатъий киришган Олим ака икки ўғли билан деярли бир ҳафта ҳаракат қилиб, худудни тозалади. Бу мудатда ҳоким ёрдамчиси кредит масаласини ҳал қилди. Олим акага иссиқхона қуриш учун 33 миллион сўм ажратилди. У ўз сармомиясини қўшиб, чикиндиҳона ўрнида 4 сотихли иссиқхона қурди.

Умуман, Олим Шаминов каби янгиликка интиланганлар Ғафур Ғулом маҳалласи аҳлига ўрнак бўлмоқда. Улар ўз томорқасини ўзлаштириш ва "Сайхунобод тажрибаси" асосида хонадонда чорва, парранда, асалари парваришлаб, яхши даромад олмақда. Яқинда туман ҳокими маҳаллалар фаоллари билан учрашувда хонадонларда қўзиқорин етиштириш бўйича топшириқ берди. Ғалларол туманида қўзиқорин етиштираётган фуқаро манзилини бериб, тажриба ўрганиб келиш учун бир гуруҳ арнасойликларни жўнатди. Айни пайтда Арнасойликларни ўзи кўпайтираётми. Иил охиригача паррандалар сонини зодан оширишни мўлжаллаётми.

— Дастлаб бошқалар қатори бодринг етиштиришни режалаштирган эдим. Лекин туманда йўқ соҳага қўлуришни хоҳлардим. Газеталарни ва-рақлаб, бир мақолага кўзим тушиб қолди, — дея ҳўжа қилди Олим Шаминов. — Ҳида ёзилмишча, бир юртдошимиз қишлоқ жойдаги иссиқхонада гидропоника усулида қулупнай эқиб, қишда катта фойда олаётган экан. Нега Арнасойда қулупнай етиштирилмайди, деган саволга жавоб излай бошладим. Анча изланишча, хорижликлар тажрибасини ўрганишга тўғри келди. Шундай бўлиб, иссиқхонанинг деярли учдан бирини қулупнайга мослаштирдим.

Бугун тумандаги қайси хонадонга кирманг, гуллатиб, яшнатиб қўйилган мўъжаж томорқага кўзингиз тушадан. Аввалги қишлоқ аҳолиси билан бугунги қишлоқ одамларининг ҳаёт тарзи, яшаш даражаси, даромадида катта фарқ борлиги яққол сезилиб туришига тўғри келди. Шундай бўлиб, иссиқхонанинг деярли учдан бирини қулупнайга мослаштирдим. Қулупнай жуда нозик ўсимлик бўлиб, унга алоҳида ишлов бериш, парвариш талаб этилади. Аммо Олим Шаминов изланишдан тўхтамади. Иссиқхонани иситиш қурилмалари билан жиҳозлади, иссиқлик ўлчаш ускуналарни ўрнатди, томчилатиб сугориш тизими ўтказди. Қулупнай яхши чанглангани учун махсус асаларилар олиб келди. Дастлабки ҳосилдан олган даромади ҳисобидан кредитни қўйди.

Иссиқхонанинг бир бурчагини тажрибачона учун ажратган. У ерга Арнасойда йўқ ўсимликлар эқиб, парвариш қилмоқда.

Асад МУСТАФОВЕВ, журналист



Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Пишиқчилик

ҲАР БОЗОРНИНГ ЎЗ ТАЛАБИ, ТАРТИБ-ҚОИДАСИ БОР

ФАРҒОНА БОҒЛАРИДАН ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН МЕВА-САБЗАВОТЛАР УЛАРГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРМОҚДА?

Фарғона боғларида етиштирилган 60 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавот дастлабки чоракнинг ўзида 30 га яқин мамлакатга экспорт қилинди. Испанияга қуритилган қалампар, Саудия Арабистонига майиз ва бодом, Эстонияга кўкат, Буюк Британияга майиз жўнатилди.

Азалдан миришкор сифатида танилган фарғоналиклар ҳар қарч ердан омилдорлик билан фойдаланиш ҳадисини олган. Қуванич қирмизи анори, Риштон қандақ ўриги, Олтиариқ узуми, Бувайда анжир, Водил малинаси, Қувасой гилоси нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам машҳур. Таҳлилларга кўра, май-июнда ўрик, гилос, шафтоли, олхўри, олма, анжир каби сархил мева-лардан 47,4 минг тоннасини экспорт қилиш кўзда тутилмоқда. Шу йилнинг ўзида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт географияси яна ўн та давлатга кенгайди.

юқори, — дейди Фарғона вилояти қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Дилшоджон Фозилов. — Уларни белгиланган талаб ва тақлифлар асосида миқозларга етказиб бериш ҳам катта масъулият. Ўтган йили қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Аҳоли ва фермерлар тақлифидан келиб чиқиб, мева-сабзавотчилик кластерларнинг худуд, иқлим ва тупроқ шароити, деҳқонлар тажрибасига асосланган ҳолда ихтисослашувига эътибор қаратилди. Масалан, Қува туманида анорчилик, гулчилик, Қувасойда гилосчилик, Бешарик, Риштон, Фарғона туманларида ўрик етиштириш ривожланипти. Бу услуб харидорлар талаби ва истақлари бўйича бир хил нав ва қурилишга эга, сифатли маҳсулотлар етиштиришда кўп келмоқда. Бугун 40 турдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича агрологистика марказлари ишлаб турибди. Мавсумда 191 минг тонна сизимга эга 312 та музлаткичи омбор маҳсулот қабул қилмоқда. Бу ерда сақланаётган маҳсулотларни онлайн мониторинг қилиш имконини берадиган янги платформа яратилган.



ҳамда декларантлар фаолият юритяпти. Олтиариқ туманида ҳўл мева улғуржи бозори очилди. Бозорда маҳсулот тайёрлаб берувчи воситачи-боркерлар хизмат кўрсатмоқда. Улар деҳқон ва аҳоли маҳсулотларини далавий ўзида ёки бозорга олиб келиб, нақд пулга сотиш имкониятига эга. Бу ерда маҳсулотлар сараланиб, махсус омборларда совитилгач, юк машиналарига ортिलाди.

Қува ва Олтиариқ туманлари, Қўқон шаҳрида туну кун ишловчи тезкор штаблар фаолияти йўлга қўйилган. Хорижа жўнатилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми шу ерда расмийлаштирилиб, тўғридан тўғри экспортга чиқарилади. Бу ерда "Ўзбекэкспертиза", божхона хизмати вакиллари

— Мажзур йўналишда "даладан экспортёр-га" тамойили асосида иш юритялмиз, — дейди Фарғона вилояти ўсимликлар қарантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи Элдор Турсунқолов. — Рухсат бериш ва сертификат ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ тизим тўлиқ электронлаштирилди. Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар билан тузилдиган шартномалар "онлайн-оферта" усулида расмийлаштирилмоқда. Энди маҳсулот эқиб, парваришлаш ва экспорт қилиш билан боғлиқ барча жараённинг узвийлиги таъминланяпти. Харидор экин тури, етиштиришдаги агротехник тадбирлар, ҳосилни териб олиш, қадоқлаш, қўтиларга жойлаш, юклаш билан боғлиқ барча жараённи бевосита кузатиб бориш овозгарчиликсиз харидорларга етказиб беришда кўплай қўлайлик яратмоқда. Жойларда харидорлар маҳсулотлар етиштириш, замонавий қадоқлардан фойдаланиш борасида ўқув-семинарлар, кўргазмаларни ўтказишга йўл очилди.

Мева-сабзавотчилик тармоқлари ривожланган 13 худудда "Экспортчилар уюшмаси" ташкил этилди. Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда чет тилларни яхши ўзлаштирган, салоҳиятли ёшлар экспортёрларга бриктириляпти. Фаол экспортёр ва тадбиркорлардан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилган.

Вилоят ўсимликлар қарантини ва ҳимояси бошқармасига Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси грант маблағи ҳисобидан умумий қиймати 164 минг долларлик замонавий фитосанитария, ўсимликлар ва мевали



Шерзод Қорасоев олган суратлар.

Ислоҳотлар амалда

АЁЛЛАР ТАДБИРКОР БЎЛСА

бундан оиласи ҳам, жамиятимиз ҳам катта наф кўради



Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Жамият тафаккури, ҳаётимизда рўй бераётган бу ўзгаришлар “Ишлайман, оиламга даромад киритиб, фарзандларим оёққа қўйиб, ўқитишда турмуш ўртоғимга қўл-қанот бўламан”, дейдиган аёллар сафини кенгайтирди. Жойларда хонадонбай ўрганиш асосида ишлаш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган опа-сингилларимиз кўпайиб бораётгани маълум бўлмоқда. Ўзи навбатда, ишлаш истагини билдирган эки иш излаб маҳалла ва бошқа тизимларга мурожаат этган хотин-қизларни ишни қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Президентимиз жорий йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда бу масалаларга яна бир қарар тўхталиб, маҳаллалардаги 580 мингга яқин ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаш ҳусусида сўз юритган эди. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини янги бошқича кўтариш, бандлигира кўмаклашиш мақсадида Сенат раиси бошчилигида махсус комиссия ташкил этилиши, у келгуси йил 8 мартга қадар ҳар бир ҳудудда “Фавқулодда ҳолат” режимида ишлаб, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалиб этиш бўйича ишларни мутолқо янгира ёндашувлар ва тизим асосида ташкил қилиши белгиланди.

Айни пайтда ушбу вазифалар ижроси юзасидан жойларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган вазифаларни энг куйи тизим — маҳалладан бошлаш мақсадида Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Қирсадоқ маҳалласи намунавий иш ташкил этиши учун танлаб олинди.

Маҳаллада уйма-ўй юриш орқали янги бизнес гоёси бор хотин-қизларни аниқлаш, ташаббусларини рўёбга чиқариш, лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашилмоқда. Айни вақтда ушбу маҳалла тажрибаси барча ҳудудларга жорий этилмоқда.

Оилавий тадбиркорликдан катта бизнесга

Бугунги кунда Қирсадоқ маҳалласида 575 та хонадонда уч мингдан зиёд аҳоли яшайди. Худуди 331 гектарни ташкил этадиган маҳаллада бешта фермер хўжалиги, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари фаолият

юртади. Маҳалланинг ўсиш нуқтаси кўчатчилик, иссиқхона.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Абдуллоҳ Жамолнинг айтишича, ўтган йили оилавий тадбиркорлик дастури бўйича 45 кишига 1 миллиард 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 100 дан ортиқ иш жойи яратилди.

Айни пайтда тадбиркорликнинг анъанавий йўналишлари билан бирга янги, замонавий соҳалар йўлга қўйилляпти. Хусусан, аввал бу жой шароитига хос бўлмаган тикувчилик ривожланыпти. Бешта хонадонда тикув цехлари очилган. Бу аёлларнинг бандлигини таъминлашда яхши самара берапти.

Ушбу тикув цехларда нафақат тадбиркорликни йўлга қўйган хонадон аъзолари, балки қўшни хотин-қизлар ҳам ишга жалб этиляпти. Уйда тикув машинаси бўлса, уй шароитида касаначилик асосида ҳам ишлаши мумкин. Ҳозир қирққа яқин аёл худуддаги корхоналар билан касаначилик асосида ишляпти. Табиийки, тадбиркорликнинг бу тури маҳалла аҳли, айниқса, аёлларда катта қизиқиш уйғотгати ва тадбиркор хотин-қизлар сафи кенгаймоқда.

Наргиза Абдиеваннинг фаолияти бунга мисол. У бир неча йил турли корхоналарда ишлади, лекин оилавий шароити тўғри келмагани учун яна уйда қолишга тўғри келди. Уйда тикувчилик қила бошлагач, рўзгор юмушлари, фарзандлари тарбиясидан ортиб, оилага даромад киритиш имконига эга бўлмоқда. Ҳозир у қўшниларидан олти нафарини иш билан таъминлади. Наргизанинг хонадонидagi кичик тикув цехида кўнига ўртача 300 дона болалар кийими тикилиб, бозорга етказиб берилляпти. Унинг ҳар бири 35 минг сўмга баҳоланади. Бу кўнига 10 миллион сўм, дегани.

Оилавий тадбиркор сифатида ишляётган чевар келгусида фаолиятини кенгайтириб, каттакор корхона ташкил этмоқчи. Шу мақсадда ҳовлисида бўш турган хоналарни реконструкция қилиб, тикув машиналари олиш ниятида. Бу борада бизнес режаси ҳам тайёр. Маҳалла фаоллари, хусусан, ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаоли Наргизага бу борада кўмак берапти.

У келгусида банкдан 100 миллион сўм кредит олиб, оилавий тадбиркорликдан катта бизнесга қадам қўймоқчи. Бир инсон, бир оила ҳаётида қандай бўлади, банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашди. Ҳозир у хонадонда беданачилик билан шуғулланыпти.

Зебо Хайитова турмуш қурғач, қўлида бирор хунари бўлмагани учун турмуш ўртоғи Акбаралининг ҳайдовчилиги қилиб топган пулига оила тебратиб келишди. Уша пайтлар бир кун келиб, Зебо катта тадбиркорга дунёқарагини ўзгартириб, тадбиркорлик янана ташкил қилиш белгиланди.

Айни пайтда ушбу вазифалар ижроси юзасидан жойларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган вазифаларни энг куйи тизим — маҳалладан бошлаш мақсадида Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Қирсадоқ маҳалласи намунавий иш ташкил этиши учун танлаб олинди.

Маҳаллада уйма-ўй юриш орқали янги бизнес гоёси бор хотин-қизларни аниқлаш, ташаббусларини рўёбга чиқариш, лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашилмоқда. Айни вақтда ушбу маҳалла тажрибаси барча ҳудудларга жорий этилмоқда.



ривож топиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда янги иштиқболларни очини шубҳасиз, албатта.

“Аёллар дафтари” — имконият манбаи

Бундан уч йил илгари хонадонбай ўрганиш жараёнида Қибрай туманининг Гафур Ғулوم маҳалласида яшовчи Зебо Хайитова ишсиз экани, агар кўмак берилса, уйда тадбиркорлик қилиш имконияти борлигини маълум қилган эди. Маҳалла фаоллари унинг оилавий шароитини ўрганиб, банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашди. Ҳозир у хонадонда беданачилик билан шуғулланыпти.

Зебо Хайитова турмуш қурғач, қўлида бирор хунари бўлмагани учун турмуш ўртоғи Акбаралининг ҳайдовчилиги қилиб топган пулига оила тебратиб келишди. Уша пайтлар бир кун келиб, Зебо катта тадбиркорга дунёқарагини ўзгартириб, тадбиркорлик янана ташкил қилиш белгиланди.



айланади, деса маҳалладошлари у ёқда турсин, ҳатто яқинлари ҳам ишонмасди. Бирок бугун бу ҳақиқатга айланди.

Албатта, бунга эришиш осон бўлмади. Чунки қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, тадбиркорлик қилиш имконияти сезиларли кенгайтирмоқда.

Бугунги кунда бозорда бедана гўштининг килограмми 70-80 минг сўм туради, тухум ҳам харидордир. Шунинг орқасида тадбиркор аёл ойига 15 миллион сўмгача даромад қилапти. Шу йил охиригача банкдан олинган кредитни тўлиқ қоплаш ҳаракатида. Қолаверса, иш фаолияти ривожланиши натижасида энди у оилавий тадбиркорликдан масъулияти чекланган жамият шаклида иш юритишга ўтди, яъни фаолиятини кенгайтирди.

Тадбиркор бўлиб ҳам оиласига, ҳам юрт тараққиётига наф қилириши ҳар бир инсон орзу қилади, — дейди Зебо Хайитова. — Лекин бундай орзуларнинг ушалиши учун аниқ бизнес режа, шижоат, тинимсиз меҳнат билан бирга, маблағ ва имконият керак. Бугун ана шундай шароит яратиб берилгандан барча юртдошларимиз, айниқса, аёллар учун жуда қўл келяпти. Бу имконият тўғрисида оила юмушлари билан параллел равишда ишлаш, даромад топиш имконига эга бўляпти.

Қибрай тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими маълумотига кўра, ўтган йили “Аёллар дафтари”да рўйхатга олинган юзга яқин аёлга тадбиркорликни йўлга қўйиши учун кредит берилган. Жорий йилнинг дастлабки беш ойида эса 122 хотин-қизнинг бу борадаги ташаббуси қўллаб-қувватланган. Табиийки, яқин-яқингача ишсиз бўлган ва яратилаётган имкониятлар тўғрисида бугун тадбиркорга айланаётган замондошларимиз келгусида хунарини оиладигарлардан ташқари яқинлари, қўни-қўшилари

ҳам ўргатиб, жамиятимизда ишсизлик муаммосини бартараф этишга ҳиссасини қўшади.

Шу бонс, аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг ишли бўлиши, тадбиркорлик қилишига шароит яратиш доимий эътиборда. Биргина Қибрай туманидаги касб-ҳунарга ўқитиш марказларида 2022-2023 йилларда 900 дан зиёд хотин-қиз меҳнат бозорига талаб юқори ўнга яқин касб бўйича тахсил олди. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу ўқув курсларига жалб этилган уч юз кишининг ҳам аксарияти аёллар. Улардан кўпчилиги бизнесини йўлга қўйиши натижасида аёллар ўртасида ишсизлик кўрсаткичи камайиб борапти.

Замонавий корхонанинг моҳир чеварлари

Аҳоли, айниқса, ишсиз аёллар бандлигини таъминлашда жойларда янгидан янги санаот корхоналари очилаётгани муҳим омид бўлмоқда. Қибрай туманидаги “Kanishka fur” масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналардан бири.

Бу ерда табиий чармдан 300 турдаги сумка, ҳамён ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариляпти. Икки йилдан буён фаолият юритаётган корхонада 150 та иш ўрни бор, ишчиларнинг аксарияти хотин-қизлар. Корхона иш юритувчиси Аҳмад Умаровнинг айтишича, келгуси йилда шу ҳудудда яна битта янги бино қурилиши режалаштирилган, натижада 100 та иш ўрни очилади.

Лобар Янгибоева мазкур йўналишда 8 йилдан бундан бунда ишляпти. Ҳозир у корхонада катта устарида ишга қираётган аёлларга касб сирларини ўргатаётган.

Тоза чармдан махсуслот тайёрлаш бир неча босқичда амалга оширилади, — дейди у — Бу жараёнда Германия, Хитой, Италия каби давлатлардан келтирилган илгор технологиялардан фойдаланилади. Ишга қираётган аёллар шу ернинг ўзига 3 ой ўқитилади, ўқини амалиёт билан бирга олиб боради. Сўнгра қизиқиши ва салоҳиятига кўра ишга жойлаштирилади.

Аксариёт хотин-қизлар бу касбини яхши ўзлаштириб ишлаб келмоқда. Ойлиги 2,5 миллион сўмдан бошланади, сўнгра иш натижасига қараб, 6 миллион сўмгача ошииб боради. Бу ердаги замонавий иш шароити ва имкониятлар ҳар бир аёлни қониқтиради. Шу бонс, ишсиз хотин-қизларнинг корхонада ишлашга қизиқиши юқори.

Ўтган йили ўрта мактабни тугатиб, шу корхонага ишга келдим, — дейди Наргиза Матқубова. — Ўқув-амалиёт мuddатини муваффақиятли тугатиб, ишга жойлашдим. Шароити яхши, маошнинг ҳам қониқарли. Ҳозир чармин бўйича ишлашман, бўш вақтим бўлди дегунча тикув машиналаридан ишлашни ҳам ўрганишман. Моҳир чевар опаларимдан касб сирларини яхши ўрганиб, улар сафидан жой олмоқчиман.

Ишбилармон хотин-қизлар сафи кенгайди

Тизимли чора-тадбирлар натижасида кейинги 5 йил ичида юртимизда бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Биргина 2023 йилда 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳасига

13 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 57 минг хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия ажратилди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёл касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари томонидан ишсиз ва банд бўлмаган қарийб 103 минг хотин-қиз меҳнат бозорига талаб юқори турли касбларга ўқитилди. Шундан 45 минг 100 дан ортиғи ўзини ўзи банд қилувчи шахс, 12 минг 600 дан зиёди эса тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтди. 10,8 мингга яқини мавжуд бўш иш ўринларига жойлашишга кўмаклашилди. Натижада қарийб 67,5 минг хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Президентимизнинг бу йўналишдаги ишларини янада кенгайтиришга қаратилган тегишли қарорига мувофиқ, 2022-2024 йилларда 1595 та маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломамлигини мустаҳкамлаш марказлари ташкил этилиши белгиланган эди. Бугунги кунда 1572 маҳаллада шундай марказлар очилди.

Бу хайрли ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2024 йил 7 мартда давлатимиз раҳбарининг “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатта мувофиқ, хотин-қизларнинг иқтисодий фаолиятини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиши учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан икки йиллик имтиёзли давр билан беш йил мuddатда, йиллик 14 фоиз ставкада 100 миллион доллар эквиваленти миқдорда кредит ресурслари ажратили белгиланган.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган хотин-қизлар томонидан таклиф этилаётган лойиҳаларга кредит ажратишда устуворлик берилиши опа-сингилларимиз учун яна бир имкониятдир.

Шу билан бирга, ташаббускор хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш, маҳаллаларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, улар томонидан тайёрланган махсуслотларни сотиш, кооперация асосида лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш борасида ишланяпти. Шу мақсадда 2024-2025 йилларда тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга асосан, 2024-2025 йилларда иш билан банд бўлмаган 505,6 минг хотин-қизни (шундан 2024 йилда 232 миң) касб-ҳунарга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, 2024-2025 йилларда 640 миң хотин-қизнинг (шундан 2024 йилда 313 миң нафар) бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Эту мақсад йўлидаги бу сатй-ҳаракатларнинг ҳеч бири беиз кетмайди, албатта. Чунки аёл ишли бўлиб, оила ва фарзандлар учун бир имконият, агар тадбиркор бўлса, уш имконият, деганидир. Эро, тадбиркор аёл фақат ўзи, болалари, оиласини ўйлабгина қолмайди, у маҳаллада, жамиятда ишбилармонлигини ривожлантиришга интилади. Натижада хунарли, ишбилармон одамлар сафи кенгайди. Бундан оила ҳам, жамият ҳам катта наф кўради.

Таълим ва тараққиёт

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти қишлоқ хўжалиги ҳамда аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш мақсадида 2020 йили Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали номи билан очилган. Президентимизнинг 2023 йил 7 июлдаги “Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали негизига Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти номи билан янгидан ташкил этилди.



Шавкат ҲАСАНОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қишлоқ хўжалигини ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ аҳоли ҳаётини фаровон, дастурхонини тўкин қилади

маҳаллий лойиҳаси институти ҳамда Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети билан ҳамкорликда амалиётга татбиқ қилинмоқда. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) молиялаштираётган ушбу лойиҳа қиймати 100 миң АҚШ доллари. Келгусида лойиҳа қиймати 1 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилган.

Картошка уруғи юртимизга ҳар йили четдан келтирилади. Бу эса сабзавот нархи ошишига сабаб бўлади. Картошка уруғини маҳаллий шароитда етиштириш борасида ҳам амалий ишлар бажариляпти. Жанубий Корея Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш вазирлиги маблағи ҳисобидан “Республикада картошка уруғчилик тизimini ривожлантиришда қадрлар салоҳиятини ошириш” лойиҳаси асосида Ўзбекистон — Корея картошка уруғчилик маркази иш бошлади. Лойиҳа доирасида “in vitro” лабораторияси ва иссиқхоналар қурилиши давом этмоқда.

Шунингдек, “Республика туپроқ-иқлим шароитига мос санаотбop қанаибос навларини таллаш ва улар асосида янги навлар яратиш”, “Самарқанд бўзочини ўсимлигини уруғидан кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этиш” мавзусидаги амалий лойиҳалар бажариляпти.



Зарарли ҳашаротларга қарши кураш аграр соҳадаги долзарб масалалардан. ОТМда бу борада ҳам самарали ишлар қилиняпти. Масалан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан “EU-AGRIN: қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг яшил иқтисодиётга инклюзив ўтишини қўллаб-қувватлаш ва иқлимга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги билимлари ва инновацион тизimini ривожлантириш” лойиҳаси доирасида инновацион гуруҳлар

ташкил қилиниб, “Экинлар учун зарарли ҳашарот — оққанотга қарши биологик кураш” мавзусидаги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Институтда илмий ва инновацион фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан интеграцияни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон — Корея картошка уруғчилиги

маркази, Пахтачилик илмий маркази, Бинокти-содиёт маркази, CARIS “Самарқанд инновацион таълим ва қишлоқ хўжалиги ислоҳотлари тадқиқотлари” маркази ва ай-ти инкубатори маркази ташкил этилди.

Профессор-ўқитувчиларнинг хўжалик шартномаси асосидаги илмий тадқиқотлари ва кўрсатган хизматидан 160 миллион сўм кирим қилинди.

Жорий йилда хориждаги турли ҳамкор олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидан 28 делегация ҳамкорлик ўрнатди, малака ошириш ва турли лойиҳалар бўйича тажриба алмашиш учун институтимизга келди.

Бир гуруҳ профессор-ўқитувчи ва докторантлар малака ошириш, стажировка ўташ ва илмий тадқиқот ишлари учун дунёнинг турли нуфузли олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларига юборилди. Шу билан бирга, 26 талаба Германия ва Англиянинг қишлоқ хўжалиги ташкилотларида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаб қайтди.

Мамлакатимиз илм-фани ривожига йўлда хали истиқболли илмий ишлар ҳаётга татбиқ этилди ва олимларимиз соҳа ривожига ҳисса қўшади. Бу борада ёшларга таълим-тарбия бериш, ултани жаҳон стандартларига мос, етук муассасалар этиб тарбиялаш йўлидаги режа ва мақсадларимиз яқин келажақда самара беради.

Долзарб мавзу

Ўз

ИНСОННИНГ ИЛМ-ФАЗЛИНИ ЎЛЧАБ.

КўРСАТАДИГАН ТАРОЗИДИР



Бахтиёр АБДУШУКУРОВ, филология фанлари доктори, профессор

Ушбу саяё-ҳаракатларнинг амалий ифодаси сифатида очилган янги усулдаги мактабларда дарслар она тилида ўтирилиб, дастурларга дунёвий фанлар ҳам киритилди. Хўш, ана шундай жараёнда мактаблар учун ёзилган дарслик ва қўлланмалар қайси тилда бўлиши керак? Туркий тил ва адабиётни бирлаштириш тарафдорлари бўлган жадидларнинг бир гуруҳи дарслик ва қўлланмалар усмонли турк тилида бўлиши маъқуллади. Бу ҳақда Фитрат қуйидагиларни ёзади: "Мана шундай кулинич бир ҳолда қолган бурунги зиёлиларимиз "Тилимиз илмий, адабий бир тил эмас экан" деган кулинич бир қарашга келдилар. Мана шунинг билан мактабларимиз, ёзувларимиз усмонлича таъсири остида қолдилар. Тошкентда очилган курсларда она тили сабоқлари учун берилган соатларнинг кўпроги усмонличага берилди. Самарқандда очилган биринчи муаллимлар курсига эса она тили деган сабоқ киритилмади. 1918 йилдаги Маориф шўросининг бир мажлисида бундай бир қарор берилган эди: "Мактабларимизнинг ибтидоий уч йиллида она тили ўзбекча ўқитилсин, ондан сўнг адабий умумий турк тили ўқитилсин". Бунларнинг адабий умумий турк тили деганларини арабча қотишган усмонлича эди". Бу ҳолат табиий равишда жадидчиликнинг бошқа вакиллари ўртасида эътироз туғдириди.

XX аср бошларида жадидлар томонидан матбуотнинг йўлга қўйилиши ўзбек адабий тили шаклланиши ва ривожини учун ҳам қулай имконият яратди. Аввало, жадидлар халқимизнинг ажойиб маънавий мероси бўлган тил масаласига алоҳида эътибор берди. Улар дастлаб И.Гаспиралининг ғояси бўйича бутун туркий оламини бирлаштириш, туркий маданиятни юксалтириш, умумтуркий адабий тил ва адабиётини яратиш ҳақида қўлланадилар. Ана шу ғоя таъсирида қатор газета ва журналларда усмонли туркча ва татарча унсурлар аралаш бўлган бир тилда қўллаб мақолалар босилди. Умумтуркий тили яратишга газета саҳифаларида тарғибот қулайди.

Жадидларнинг тил масаласига алоҳида эътибор бериши бежиз эмасди. Чунки улар тилга миллиятнинг энг асосий қадриятларидан бири сифатида қаради. Халқ тилининг йўқолиши миллиятнинг инқирози, дунё саҳнасида унутилишига олиб келишини яхши англади. Қолаверса, матбуот тили жонли сўзлашувга асосланган янги ўзбек адабий тили шаклланишига кўпроқ хизмат қилди. "Тотор қориндошларимизнинг ҳозирдаги тил ва адабиётларини бундан ўн, ўн беш йил илгари чиқгон адабиётларига тағиб қилинса, қиёс қабул қилмаслик даражада тафовутлар бордурким, бул даражада оларнинг тилларини кенгтоймоғи миллий ва она тилидоғи газеталари билан бўлди... Газета ва журналларнинг дунё ахволдан ва бошқа тўғриларидан халқга хабар бериб турмоғидан ҳам улуғ ва кўзга кўрунмоғидургон бир фойдаси бўлурки, бу она тилининг кенгтоймоғи ва мукамаллашмоғидур".

1905 йилда Бутунроссия мусулмонларининг III съезди И.Гаспиралининг ташаббуси билан туркий халқлар мактабларининг юқори синфларида "ягона туркий тил"

ўқитилишини мажбурий қилиб қўяди. Шу ўринда савол туғилади: "умумтуркий тил" асоси қайси тил бўлиши керак?

Татар, озарбайжон, ўзбек тилидаги газеталар, журналлар саҳифаларида бу масала юзасидан мақолалар босилди. Хусусан, татар тилида чиқадиган "Вақт" газетасидаги мақолаларда татар тили туркий халқлар учун ягона адабий тил бўлиши лозимлиги таъкидланади. Петербургда (татар тилида) нашр этиладиган "Улфат" газетаси 1906 йил 5 июль сонидоғи Али Курқуднинг "Истанбулдан хат" мақоласида усмонли турк тили "умумтурк тили" бўлиши қайд этилган. Бундай қарашлар Озарбайжон ва Ўрта Осиёда нашр этилаётган бошқа матбуот саҳифаларида ҳам айтилган. Бу ерда, Вамбери айтмоқчи, умумтуркий тил назариясини кўтариб чиқиш билан халқларнинг этник чегараларини ҳисобга олмай, туркий халқлар бирлигини тузиш кўзда тутилган. Шундай бўлса-да, аксар оммага тушунарли бўлмаган "умумтиль" тез орада ўз ўрнини миллий тилларга бўйшатиб беришга мажбур бўлди. Шу тариқа она тили ҳамояси адабий ва маданий курашнинг ажралмас қисмига айланди.

Чоризм даврида миллий тил масаласини ҳал қилишнинг иложи йўқ эди, чунки бу миллий масаланинг тарқийбий қисми ҳисобланарди. Қолаверса, чор ҳукумати Туркистонда рус-тузем мактабларини очиб, маҳаллий халқларни руслаштириш сиёсатига эътибор берди. Ҳатто матбуотда маҳаллий тилларнинг "камбағаллиги ва қаўполлиги" уқтирилиб, Туркистон халқи тараққиётини учун рус тилини ўрганиш лозимлиги тарғиб қилинарди. Буларга қарамай, "Садоий Туркистон" газетаси ўзини турк тилидаги адабий, иқтисодий, илмий ва маҳаллий газета сифатида эълон қилди ("туркча", "турк тили" у пайтда ҳозирги турклар тилини эмас, туркий тил маъносини аниқлаган). Айна пайтда айрим газеталарда "Ўзбек", "Ўзбек тили" деган атамалар ҳам учрайди. Шундай қилиб, адабий тил соҳасида бир хил қарашнинг йўқлиги бу давр адабий тилида турли тилларга хос хусусиятларнинг ўзлашиб қолишига сабаб бўлди.

Россия империясида ўзбек тили ҳамда Туркистоннинг бошқа маҳаллий тилларига таъсир кўрсатиш масаласи бўйича кескин сиёсат юритилган бўлса-да, шўролар ҳокимиятга келиши билан вазият тубдан ўзгарди. Ўзбек тилига русча ҳамда рус тили воситачилигида Европа тилларидан кириб келган сўз ва атамалар сингдириб борилди. Ўтган асрнинг 20-30-йилларида ушбу сўзларни рус тили қонун-қоидалари бўйича ёзиш ва талаффуз этиш тарғиб қилинди. Табиий йўллар билан ривожланиб келган бой ва қадимий тилга бундай босим ўтказилиши муҳим оқибатларга олиб келди.

Рус тили талаффуз қоидаларининг зўрма-зўраки жорий этилиши ўзбек тилининг фонетик раванлигига путур етказди, тилининг ички имкониятларидан фойдаланилмай туриб, ўзлашма сўзларнинг кўп миқдорда ўйламай-нетмай қабул қилинишига сабаб бўлди. Энг аянчлиси шуки, жамоатчиликда ҳамда зиёлиларда ҳар қандай атамалар, замонавий байналмилал сўз ва ибораларни рус тилидан тўғридан тўғри

Жадидларнинг тил масаласига алоҳида эътибор бериши бежиз эмасди. Чунки улар тилга миллиятнинг энг асосий қадриятларидан бири сифатида қаради. Халқ тилининг йўқолиши миллиятнинг инқирози, дунё саҳнасида унутилишига олиб келишини яхши англадилар.

"TIL - MA'NAVİYAT KO'ZGUSI" ... jamiki ezgu fazilatlar inson qalbidan ona tilining betakror jozibas bilan singardi. Ona tili bu millatning ruhidir!



кўчириш кўникмаси шаклланди. Айниқса, иқтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлланиладиган сўзлар ва атамалар, умуман, терминологияда жиддий зиддиятлар юзга келди. Ўзбек тилига илм-фан, юриспруденция, ҳарбий соҳа, сиёсат, маданият, банк-молия соҳаларида иккиламчи ўрин ажратилди, рус тилида ҳужжатлар юритилиш, русча атамаларни қўллаш, музокараларни, тadbирларни рус тилида ўтказиш меъёрга айланди. Қўр-қўрона қабул қилинишини ёмон оқибатларини ўз вақтида англаган Фитрат бундай ёзади: "Дунё саҳнасида "ириу-тақид"нинг рўлини ҳеч бир миллат биз турклар каби адо эта олмагандирлар! Биз қайси бир миллиятнинг қайси бир нарсасига тақлид этмоқчи бўлсак, ўзимизнинг миллий руҳимизга қарамадан тақлид этамиз. Араблар қайси бир улусдан қайси бир сўзни олганда ўз шеваларига кўра бузуб олганлар. Бир арабин ўлдирсангиз (ҳам) "Петроград-Петрасбург", демайдир. "Битроград-Битрасбург", дейдир. "Франсик", демайдир, "афранж", дейдир. Шундай қилиб, ўз тилининг истиқлолини сақлаган бўлади".

Бехўудийнинг "Тил масаласи" мақоласида қуйидагиларни ўқиймиз:

"Туркларнинг баъзи тоифаси форсий ва арабийни у қадар кўп олдиларки, тиллари туркий, форсий ва арабийдан қўшулиб, "усмонли тили" аталди. Ушбу уч тилни адабиёт ва тил қоидаларидан бохабар бўлмагунча усмонли шеvasинда ёзмақ мумкин эмасдур".

Бехўудийнинг фикрича, маданият, адабиёт қанчалик ривож топса, адабий тил шунчалик такомиллашади. Аксинча, маданият, санъат инқирозга юз тутган мамлакатда, тарқоқлик ҳукм сурган жойда шевалар ривожига шароит яратилади. Шевалар араб, форс элементларининг озуқлиги жиҳатидан ҳам фарқланишини баён қилади. Чунонки, Бухоро, Самарқанд шеваларига араб, форс тилларининг таъсири кучлироқ бўлса, Қўқон ва унинг атрофидаги шаҳар зиёлиларининг тилида бу тилларнинг таъсири бор экани, Тошкент ва Сирдарё музофотида араб ва форс тиллари ҳукми озайиб бориши айтилади. Туркистоннинг Мовароуннаҳр ва Ҳазор қисмига туркман тилининг таъсири кучли эканини кўрсатади. Адабий тил билан халқ шевалари ўртасидаги муносабатни яқинлаштиришда матбуотнинг ролига катта баҳо беради. Жумладан, "Садоий Туркистон" газетасида "меҳмон" сўзини чиқариб ташлаб, унинг ўрнига "кўноқ" сўзини қўллаш таъсия этилади. Бехўудий зўрма-зўраки келтирилган

зарб вазифа эди. Қолаверса, бу даврдаги адабий тил жонли ўзбек сўзлашув тилидан анча узилган, шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси учун тушунарли эди. Бу тилни тушуниш учун муайян тайёргарликка эга бўлиш, мактабларда сабоқ олган бўлиш керак эди. Дарҳақиқат, XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабий тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш ҳаракати бошланди. Ашуралли Зоҳидий бу ҳақда қуйидагиларни уқтириб ўтади: "Тилимизни учга бўлиш мумкин: 1) жонли тил; 2) адабий тил; 3) илмий тил. Адабий тил билан илмий тил ўртасида унча фарқ бўлмас ҳам жонли тил билан адабий тил орасида (ўсмиш ва тараққий жиҳатидан) анча фарқ бор. Жонли тилининг ҳам ўзига махсус кўб қимматли асарлари бордурким, уларнинг барчасига халқ адабиёти, дейилур. Бу (халқ адабиёти) адабий ва илмий тилининг асосидур. Асл табиий тил сўзланатургон тил, халқ тилидур".

1918 йилнинг сўнида ташкил этилган "Чингай гурунги" ўзбек адабий тили ва адабиётини ривожлантириш, ўзбек адабий тилини меъридан ортиб кетган араб ва форс сўзларидан тозаланиш ўз олдиларига бош мақсад қилиб қўйди. Бир қатор вазифалар белгилаб олинди: "Тилимизнинг тугал, юксак, санъаткор бир адабиёти бор. Тилимизнинг адабийлиги арабийликда эмас, ўзидир. Шунинг тизимак керак: тилимизни ёт сўзлардан қўлдан келганча тозаламок керак; адабиётимизни юксатмок учун бурунги санъаткор шоирларимизнинг ўлмаган ва ўлмас нарсалариндан фойдаланмок ҳам тараққий қилган улуслар томонидан орага солинган умумий асосларга эргашмак керакдир; тилимизнинг қоидаларини татарча ёхуд усмонийча қоида китобларидан эмас, тилимизнинг ўзидан олмок керак; шунинг учун халқ оғзида юрган сўзларни, халқ адабиёти бўлган эртақлар, мақоллар, лапарларни йиғиб текширмак лозим; адабиёт ёзувчилик бўлгани учун ёзув қоидаларини, имлони ҳам тузатмак керак". Фитрат гуруннинг раҳбари сифатида тўғрақ аъзолари мазкур юмушларни амалга оширишда етакчилик қилди. 1921 йилда тақкидланган "Чингай гурунги" ишлари унинг аъзолари фаолиятида кейинчалик ҳам давом этди.

Фитратнинг таъкидлашича, ҳар бир тилнинг бойлиги у тилдаги сўзларнинг кўплиги (касрати калимот), ясаили кенглиги (ундирчи кенглиги), боғланиш имконияти (вусвати иштиқоқ), қоидалари мукамаллиги (мукамалияти қаваид) билан ўлчанади. Туркча (ўзбек тили) буларнинг ҳар учаласи бўйича ҳам араб ва форс тилларидан қолишмаслиги, айрим ўринларда улардан устун келишини таъкидлайди. Ўзбекча муқобили бўлмаган араб ва форс сўзларини ўзбекчаштириш, яъни ўзбек тили фонетика ва грамматика хусусиятига мослаштириш асосида қабул қилишни тавсия этади. "Ҳозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайдир, десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Уларни олурмиз, лекин ўзимизники қилурмиз. Туркчалаштирамиз. "Қоида"нинг туркчаси йўқдир. "Сарф"нинг-да туркчасини тополмадик. Иккинсин дағи олурмиз. Лекин сиз каби "қовонди сарфия", демасдан, "сарф қоидалари", дермиз". Натяжада айрим ўзлашмалар ўрнида ўзбекча муқобиллари

қўллана бошлади: сезонник — кўчманчи, листовка — қоғоз, крепост — қўрғон. Шунингдек, атамалар калка усули билан сўзма-сўз таржима қилинди: чернорабочий — қора ишчи, самосуд — ўзбошимча, лошадиная сила — от кучи, фальшивая монета — ёлгон оқча. Баъзида рус тилидан кириб келган сўзлар билан бир қаторда арабча, форсча лексемалар ҳам истифода этилган: партия — фирқа, депутат — вақил, президент — Раиси Жумҳури, педагогика — усули таълим, интернационал — байналмилал, ишчи — амала.

Мутахассисларга яхши аёнки, ўзбек адабий тили лексик жиҳатдан бирор шевага эмас, балки ўзбек диалектларининг барчасига асосланади ва улардан зарур сўзларни қабул қилади. Бинобарин, шевага оид сўзлар сўзлашув, филолог олимлар, ёзувчи-шоирларнинг асарлари ва оммавий ахборот воситалари орқали адабий тилга кириб келади. Аммо баъдий адабиётлар, матбуотда қўлланган диалектизмларнинг ақсари яна адабий тилда мустаҳкам ўрнашиб қолмайдир. Давр ўтиши билан уларнинг ақсари яна адабий тилда турғунлашса, баъзилари эскирган, тарихий сўзлар қаторига ўтади ёки шеваларнинг ўзидоғи муомалада бўлиб қолади. Шунинг учун оғзаки ва ёзма нутқимизда адабий тили бойгадиган шева сўзларига кўпроқ мурожаат қилишимиз, қўлланиш доирасини кенгайтиришимиз керак. Масалан, XX аср бошларида куче сўзи ўрнида бўлма, аван сўзи ўрнида бўнак, мардикор ўрнида кулчуки атамаси қўлланади.

Муайян даврда шевада фаол ифодаланган лексемаларнинг айримлари кейинчалик пассивлашсини, сўнгра давр талаби билан яна қайта тикланиб, шевада ҳам, адабий тилда ҳам фаол қўлландиган сўзлар сирасига кириши мумкин. XX аср бошларида ўзлашган пудрат, фирма, мулкдор, кредит сўзлари 50-60-йилларга келиб эскирган сўзга айланган. Вақт ўтиши билан мукамиллик йилларида улар фаол сўз сифатида қўллана бошлади.

Теурийлар ва хонлиқлар даврида форс тили билан рақобатда ютиб чиққан ўзбек тили XIX асрнинг иккинчи ярмидан рус тилига тўқнаш келди. Муштамлақа тузуми таъйиқларига қарамай, она тилини миллиятнинг руҳи, миллий мерос, маънавий қадриятларнинг воситачиси сифатида кўрган, ҳаётини халқимизнинг маънавий камолотига, она тилимизнинг равнақ топишига бағишлаган Маҳмудхўжа Бехўудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий каби улуг маърифатпарварлар номларини эл-юртимиз доимо хурмат билан эслайдим.

Президентимиз таъбири билан айтганда, маърифатпарвар аждоқларимизнинг мероси бутун биз қураётган хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамохандир. Бинобарин, миллиятпарвар боболаримизнинг эзгу мақсади миллий ўзлиқни англаш ғоясини илгари суриб, тилимизни ривожлантириш, халқимизни дунёвий илм-фан, илгор касб-хунарлар билан қуроллантириш, шу тариқа тараққиёт йўлига тушиб олишдан иборат эди.

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASOSLANGAN ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН MAZKUR QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ. Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ. МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси. Қабулхона: (71) 233-56-33

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обудани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограм" МЧЖ масъул. 44065 нуsxада босилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридоғи Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Бунортма — 2083. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда. "Колограм" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тожматова Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев. Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй. ЎЗА якуни — 20:00 Топшириди — 20:00